2009-yil 7-fevral № 16 (2585) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ҳар ким аён
этса яхши
қилиқ,
Етар яхши-
ликдин анга
яхшилик.

Алишер НАВОИЙ

■ Сулола



## Йигит бўлса, ҳунари бўлсин!



**Ўзбекистон халқ устаси Муҳамматали Юнусов устахонасида...**

**ЁҒОЧ УСТАСИ**

Ўтган йил баҳорда акамнинг хонадонида бир гуруҳ ёш уста-ҳунарманд йигитлар иш бошлади. Улар шу қадар тез ва сифатли ишлашдики, бир-икки кунда шифер қопланадиган томнинг бир қисми тайёр бўлди. Гоҳида уста йигитларнинг ганч ўймакорлиги санъатини мароқ билан томоша қилиб, ёғочга гул нақшлашларини кузатдим. Орадан ўн кунча ўтиб, йигитлар ишнинг якунловчи босқичини бошлашди. Яъни ўймакорлик намуналари ўз жойига ўрнатила бошланди. Ўшанда 15 нафар йигитга бошчилик қилаётган ёш уста Одилжон Шерқуловни гапга солгандим.

— Бу ҳунарни ўргатган устозингизга раҳмат. Қойил қолиб ўтирибмиз, уста, — дедим.

У эса кулиб «Мен уста эмас, ҳали шогирдман! Устамиз Муҳамматали ака эртага келишади», — деди. Тўғриси, Одилжон бизга девор қўшни бўлади. Унинг отаси Носиржон ҳожи ҳам шу ҳунарни улуғлаган ёғоч устаси бўлиб, ҳозир нафақада. Одилжон ҳам отаси ҳунарини тутганини билардим. Билардим-у, лекин унинг бу қадар юксалиб кетганидан бехабар эдим.

Эртаси кун уйимиз олдига оппоқ «Нексия» келиб тўхтади. Ундан қорамағиздан келган, гавдали, истараси иссиққина 50 ёшлар чамаси бир киши тушиб келди. Ёш усталарнинг у киши билан томдан туриб ер бағирлаб саломлашганини кўриб, уста ака келганини дарҳол пайқадим. Шогирдларининг ишларини эринмасдан кўздан кечириб бўлгач, устанинг катта шогирди Абдужаббор ака бизни уста билан таништириб қўйди.

Яхши ният — ярим давлат. Ўзбекистон халқ устаси Муҳамматали Юнусов ҳақида мақола ёзишни ўшандаёқ ният қилгандим.

Қиш кунлари бир тутам бўлади. Бир зумда кеч кириб қоронғи тушганини билмай қоласиз. Табиийки, бу фаслда ҳунарманд усталар ҳам кўпроқ дам олишса керак деб ўйлаб, Муҳамматали аканинг қўл телефонига қўнғироқ қилдим. Салом-аликдан сўнг ниятга кўчдим. Уста учрашувга рози бўлди.

— Кеча Тошкентдан келдим. Агар вақтингиз бўлса, ярим соатдан кейин Яккатутга чиқаман. Мошинам кеча сал бузилиб қолганди. Шуни устахонада тузатмоқчиман. Шу ерда учрашсак.

Айтилган вақтда уста билан кўришдик. У киши ҳақида ёзмоқчи эканлигимни билгач:

— Аммо айтиб қўяй. Гапга нўноқроқман. Чунки сўз устаси эмас, ёғоч устасиман. Саволларингизга эса қўлдан келганча жавоб бераман, — деди.

Мени ўз уйига, устахонасига таклиф этаётган устанинг сўзамол эканлигини олдинги суҳбатимиздаёқ пайқаган эдим. Уста билан бир кун ўтиб кўришишга келишдик.

**СУЛОЛАНИНГ ОЛТИНЧИ ВАКИЛИ**

Фарғона водийси ўзининг қўлигул усталари билан азалдан донг таратиб келган. Уста-ҳунармандлик водий йигитларининг қонида бор. Айниқса, бу борада Қўқон устанаққошлик мактабининг довруғи узоқларга таралган. Маълумки, ушбу санъатнинг Хоразм, Самарқанд ва Тошкент нақш-ўймакорлик мактаблари ва анъаналари азалдан мавжуд. Қизиғи, бу санъатларнинг ҳеч бир йўналиши бир-бирини қайта такрорламайди. Масалан, қўқонлик усталарнинг ёғоч ўймакорлигида ой-кунлар, қуёш рамзлари, гулсимон нақшлар услуби сақланиб қолган. Ёғочга содда пардоз, лўла ва табақапардоз нақшлари йўналишида ишлов берилади. Албатта, турли замонларда ушбу ҳунарга эскилик қолдиғи сифатида қаралгани ҳам рост. Натижада, ушбу санъатнинг баъзи намуналари ва усуллари йўқолиб кетди. Шукрким, Мустақиллик йилларида халқ амалий санъати яна жонланди, ўзлигини қайта кашф этди.

*(Давоми 2-бетда)*

■ **9 феврал — Алишер Навоий таваллуд топган кун**

**Алишер Навоий дунё миқёсидаги беназир сўз санъаткоридир. Сўзнинг ҳам мазмун, ҳам шакл билан боғлиқ имкониятларини юзага чиқара олган шоирлар жаҳон адабиёти тарихида ҳам унча кўп эмас. Сўзни мазмун ва шаклнинг ажойиб гармонияси сифатида кашф этиш кўпроқ Шарқ поэзиясига хос. Фикримизнинг исботи учун мана бу рубоийга диққат қилайлик:**

***Жонимға қилур жавру жафо ёр асру,***
***Ким ёр ичида жавру жафо бор асру;***
***Бўлдум чекибон жавру жафо зор асру,***
***Мен жавркашу, ёр жафокор асру.***



## Ҳижроннинг сuврати

Рубоий Шарқ шеъриятининг азалий мавзуларидан бири бўлган ёрнинг раҳмсизлиги ҳақида. Ёр — лирик қаҳрамоннинг жонига беҳад (асру) жабру жафо қилгувчи ситамкор. Сабаб шундаки, ёрнинг жабру жафолари жуда кўп, у ошиққа ситам етказишнинг моҳири. Ошиқ жабру жафо чека-чека зорликка мубтало бўлган. Бунинг натижаси шуки, ошиқ — жабр тортувчи, ёр эса кўп-кўп ситамлар қилгувчидир.

Юқорида айтганимиздек, аксарият шеърларида ишқ, ҳижрон мавзуларига мурожаат этган шоир мазкур рубоийда «жавру жафо» сўзини шеър ғоясининг асосий очқичи сифатида қўллайди. Муайян сўз ёки жумлани шеърнинг ҳар байтида ёки мисрасида атайлаб қўллаш илми *илтизом* дейилади. Алишер Навоий «Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур» деб бошланувчи ғазалида муваффақият билан қўллаган илтизом усулини юқоридаги рубоийда ҳам худди ўшандай маҳорат билан истифода этган.

Шеърда ҳижрон, айрилиқ ҳақида сўз йўқ. Аммо шоир жуда нозик пинҳоний бир ишора билан ҳижронда қолганлигини айтиб ўтади: рубоийнинг дастлабки уч мисрасида «жавру жафо» сўзи жуфт шаклда қўлланади, тўртинчи мисрада эса ана шу жуфтлик «бузилади». «Жавр» ва «жафо» сўзларидан тузилган жуфт сўз гўёки ошиқ-маъшуқ бирлигини ифода этади; аммо ситамкорлик, шафқатсизлик, бераҳмлик, натижасиз интизорлик бу бирликка путур етказади. Оқибатда, уч мисрада худди ошиқ-маъшуқ сингари ёнма-ён келган, бир бутун маънони ифода этган бу сўзлар орасига тўртинчи мисрага келиб «ҳижрон тушади»: улар алоҳида-алоҳида сўзларга айланади, бир-биридан узоқлашади, икки ёқда қолиб кетади. Айриликдай чуқур дардаламли туйғуни тўрт мисрали шеърда бундан ортиқ ифода этиш мумкинми? Сўзни бундан ўтказиб «сўзлатиш» мумкинми? Сўз воситасида бундан гўзалроқ сuврат чизиш мумкинми?

**Афифа ҒАНИЕВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси,**
**Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби**

■ Сарҳисоб

## Жамият равнақи эзгу фаолиятга боғлиқ

***Кеча «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таҳрир ҳайъати аъзолари, вилоят мухбирлари ҳамда бир гуруҳ журналистлар қатнашди. Йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов касаба уюшма ташкилотлари амалга ошираётган кенг қамровли ишларни оммага етказиш ва тарғиб қилишда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.***



Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамкорлигида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови ғолибларига мукофотлар топширилди. Газета бош муҳаррири А.Абдураззоқов танловга тақдим этилган мақолалар ҳақида шундай деди:

— Танловга профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлардан юздан ортиқ мақола, очерк, лавҳа ва фоторепортаж тақдим этилди. Эътиборли томони шундаки, ўтган йиллардаги танловлардан фарқли ўлароқ, бу йилги материалларнинг жанрлари хилма-хил, ёзилиш услуби, мавзунинг долзарблиги диққатга сазовор. Энг муҳими, уларда касаба уюшма ташкилотларининг кўп қиррали фаолияти кенгроқ қамраб олинган.

— Инсонга наф келтириш — олий бахт деган гапнинг ўзи катта маънога эга, — деди мукофотланганларни қутлар экан таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. — Танловга бундай ном берилиши, менимча, касаба уюшмалари ишини ёритишга катта масъулият билан қарашни талаб қилади. Чунки ҳаётимизнинг асоси — инсонга наф келтириш. Бу эзгу ишни касбга айлантирган касаба уюшмалари эса ҳамиша эҳтиромга сазовор. Инсон дунёда яхшилик қилиб, меҳр кўрсатиб яшаши керак. Мирзо Бобур:

***Бори элга яхшилиғ қилғилки,***
***мундин яхши йўқ,***
***Ким, дегайлар даҳр аро қолди***
***фалондин яхшилиғ,***

деганлар. Ишончим комилки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари томонидан эълон қилинган танлов яхшилик, эзгулик элчиси сифатида замонамиз қаҳрамонларини кашф этаверади.

Шундан сўнг «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари обунасини яхши ташкил этганлиги учун Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсонбой Ражабов, Қўқон шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Анорахон Умарова, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Зулайҳо Адизова, Пайариқ туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Раҳмат Маҳмудов, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Лизахон Бойбўсинова, Ёқилғи-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги



вакили Жумақул Қурбонов, ЎзКУФКнинг ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Абдуғаппор Ақбердиевларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, йиғилишда 2008 йилнинг якунлари ва 2009 йилдаги вазифалар ҳақида бош муҳаррир А.Абдураззоқовнинг ахбороти тингланди.

* * *

***Жангабой ЖАЙЖАНОВ, танлов ғолиби (Элликқалъа тумани):***

— Бу йил 70 ёшга тўлдим. 43 йилдан буён матбуотда ишлайман. Кўплаб танловларда қатнашганман, аммо касаба уюшмалари билан яқин ҳамкорлик қилганлигим учун бу танлов менга қадрли. Совриндор бўлганимдан бахтиёрман. Уюшма фаоллари орасида доимо яхши одамларни учратаман. Экологик қийин ҳудудда улар касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаётганини, оиласи ва фарзандларига ғамхўрлик қилаётганини кўриб, улар ҳақида ёзгим келаверади.

***Анорахон УМАРОВА, Қўқон шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси:***

— Ўн бир йилдан бери кенгаш раисиман. «Ishonch»ни севиб ўқийман. Уюшмамизнинг 10409 нафар аъзоси бор. Газета саҳифаларида берилаётган мақолалар фаолиятимизда қўл келганлиги учун аъзоларимизни унга обуна бўлишга даъват этаман. Таҳририят ходимлари «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукнидаги материалларни янада кўпайтирсалар, обуначилар учун яхши бўлар эди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**




**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги**

## Курортлар бошқармаси

*Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида жойлашган Кисловодск шаҳридаги «ЎЗБЕКИСТОН» ва Ялта шаҳридаги «ЎЗБЕКИСТОН» санаторийларига йўлланмалар сотади. Бу сиз учун жуда қулай имконият.*

**Сизга сиҳат-саломатлик ва кўнгилли ҳордиқ тилаймиз! Мулоқот учун телефон: 256-85-68, 256-78-15**

